



РОССИЯ-ЎЗБЕКИСТОН

Татар ва ўзбек халқларининг қардошлик алоқалари узоқ тарихга бориб тақалади. Тили, дини, урф-одатлари, маросимлари кўпам фарқ қилмайдиган бу икки миллат бугун ўзининг янги тарихини яратмоқда. Вилоятимизда айти пайтда 6500 нафардан ортиқ татар миллатига мансуб аҳоли истиқомат қилади. Янги Ўзбекистон тараққиёти йўлида, "Ўзбекистон — умумий уйимиз" шиори остида бошқа миллат ва элатлар қатори улар ҳам тинч-тотув яшаб, меҳнат қилмоқдалар.

ТАТАРИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЖИЗЗАХДА



Сўнгги уч йил ичида Россия Федерациясининг Татаристон Республикаси билан Жиззах вилояти ўртасидаги дўстона алоқалар борган сари мустаҳкамланиб бораётди. Татаристон Республикаси раҳбари Рустам Минниханов ва бошқа бир қатор

расмий раҳбарлар бошчилигидаги делегация аъзолари Жиззахга тез-тез ташриф буюриб турди. Айти пайтда Жиззахда Россия Федерацияси билан ҳамкорликда йигирмадан ортиқ қўшма корхона фаолияти йўлга қўйилган.

Кеча вилоят ҳокимлигининг анжуманлар саройида вилоят ҳокими вазифининг бажарувчи Улуғбек Мустафоев Татаристон Республикасининг Қозон Федерал университети ректори Ленар Сафин бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Ўзаро мулоқотда Жиззах вилояти билан Татаристон Республикаси ўртасида икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш, илм-инновация, таълим, кадрлар алмашинуви, моддий-техник базани мустаҳкамлаш, ўзаро ҳамкорликнинг икки томонлама фойдали жиҳатларига тўхталиб ўтилди. Билдирилган таклифлар ва келишилган масалалар юзасидан Жиззах вилояти ҳокимлиги ва Татаристон Республикасининг Қозон Федерал университети ўртасидаги галдаги вазифалар, таклиф ва янги лойиҳалар муҳокама қилинди.

Татаристон Республикасининг Қозон Федерал университети ректори Ленар Сафин қабул учун вилоят раҳбари Улуғбек Мустафоевга миннатдорчилик билдириб, сўнгги йилларда Россия — Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик сифат жиҳатдан янги босқинга кўтарилгани, бир вақтлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва

хом ашё етиштиришга эътибор қаратилган Жиззах бугун мамлакатнинг sanoat марказига айланиб бораётгани, воҳада автомобильсозлик, кимё, фармацевтика, озиқ-овқат, чарм-пойабзал, қурилиш, ахборот-коммуникация технологиялари борасида катта силжиш кузатилганини таъкидлаб ўтди.

Биргина Россия Федерацияси компаниялари билан умумий қиймати 200 миллион доллардан ортиқ инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми фаол ўсишда давом этмоқда. Ўтган йил якунларига кўра вилоятимиз ва Россия компаниялари билан товар айирбошлаш ҳажми 55 миллион доллардан ошди.

Шундан сўнг Татаристон Республикаси делегацияси аъзолари вилоят ҳокимининг ўринбосари Акмал Савурбоев ҳамроҳлигида Қозон Федерал университетининг Жиззах филиалига ташриф буюрдилар. Меҳмонлар ушбу таълим муассасасидаги қабул комиссияси, замонавий симуляция (тиббий) маркази, лаборатория, ошхона, ётоқхонада талабалар учун яратилган шароитлар билан танишдилар. Ушбу ўқув маркази халқаро талабаларга жавоб берадиган жиҳозлар билан таъминланган. Бу марказда талабалар амалий машғулотларни ўтаб, кўникма ҳосил қилишади. Меҳмонлар олийгоҳда талабаларга яратилган шароитларга юқори баҳо беришди.

Ташриф давомида меҳмонлар Қозон Федерал университетининг Жиззах филиалида таълим сифатини янада яхшилаш, кадрлар масаласи, ўқув қўлланмалар, илмий тадқиқотлар, ёш олимларни қўллаб-қувватлаш, ўқув ва қўшимча биноларнинг моддий-техник таъминоти яхшилаш бўйича ўзаро фикр алмашдилар. Меҳмонлар шу кунни Самарқанд вилоятига жўнаб кетишди.

ЗоиР ЭРГАШЕВ.
("Жиззах ҳақиқати")

Шерзод ЭГАМКҮЛОВ
олган сурат.

ОСИЁ КУБОГИ БАҲСЛАРИ

Жиззах шаҳридаги киберспорт аренаси нуфузли спорт тадбирларини қабул қилишда давом этади. Айти кунларда ушбу мажмуада ўзбек жанг санъати бўйича Осиё кубоги беллашувлари бўлиб ўтмоқда.

Юртимизда илк бор ўтказилаётган Осиё кубогининг очилиш маросимида сўзга чиққан Жиззах шаҳар ҳокими Комил Холмуродов ушбу халқаро йирик спорт мусобақасининг аҳамияти, ўзбек миллий спорт турини халқаро миқёсда танитиш ва ёшларни соғлом турмуш тарзига жалб этишга хизмат қилиши ҳақида гапириб, иштирокчиларга беллашувларда омад тилади.

Шунингдек, тадбирда Осиё жанг санъати ассоциацияси президенти Судеш Кумар ва вилоят спорт бошқармаси бошлиғи Жалолиддин Ўқтамов сўзга чиқиб, юртимизда спортга берилаётган эътибор, ёшларимизнинг жаҳон миқёсидаги нуфузли турнирларда кўлга киритаётган натижалари ҳамда бу каби йирик мусобақаларни Ўзбекистонда ташкил этиш бўлажак спортчиларга катта мотивация бериши, ёшлар қалбида ватанпарварлик ва миллий гурур туйғуларини оширишни қайд этди.

Ушбу Осиё кубоги баҳсларида 12 та мамлакатдан мингга яқин спортчилар ўзбек жанг санъатининг "Темурийлар беллашуви", "Жанг кураши" ҳамда "Кўргазмали чиқиш" йўналишларида беллашадилар.

Юсуф САЙДАЛИЕВ.
("Жиззах ҳақиқати")

АНЪАНАВИЙ КИТОБХОНЛИК ҲАФТАЛИГИ БОШЛАНМОҚДА



Мамлакатимизда 21-25 апрель кунлари "Ўзбекистон китобхонлар юрти" V анъанавий республика китобхонлик ҳафталиги бўлиб ўтади. Ҳафталик Шароф Рашидов номи вилоят ахборот-кутубхона марказида ҳам ташкил этилиб, пойтахтдан кўплаб эл севган шоир ва ёзувчилар ташриф буюришади.

Ҳафталик доирасида таниқли адибларнинг асарлари таҳлили, "Адиб ва асар" мавзусида адиблар билан меҳнат жамоалари, олий ўқув юртли, ҳарбий қисмларда учрашув ва суҳбатлар ташкил этилади. Театрда таниқли ёзувчи ва шоирларнинг асарлари асосида тайёрланган сахналаштирилган драмалардан парчалар намойиш этилади.

Ҳафталик давомида ёшлар иштирокида бадий танловлар, викторина ва асарлар юзасидан баҳслар уюштирилади.

Ҳафиза ҚУДРАТОВА,
Шароф Рашидов номи АКМ директори.

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ФЕСТИВАЛИ

"БАХМАЛ ВОДИЙЛАРДА, ҚИРЛАРДА БАҲОР..."



Фалларол тумани "Яшнаобод" МФИда "Қадриятларининг боқий бўлиши, Наврўз" шиори остида "Бахмал водийларда, қирларда баҳор..." мавзусида миллий қадриятлар фестивали ўтказилди. Тадбирда туман ҳокими Жалолиддин Оқбоев, Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими раҳбари Икболува Умарова иштирок этиб, барчани баҳор айёми билан Самийми муборакбод этди.

Фестиваль давомида турли мусиқий чиқишлар, рақслар, халқ ўйинлари, миллий таомлар кўргазмаси, ҳунармандчилик намуналари тақдим этилди. Шунингдек, тадбир иштирокчиларига миллий қадриятлар, урф-одат ва анъаналаримиз ҳамда миллий ўйинлар кўргазмаси намойиш этилди.

— Янги баҳор, янги руҳият билан миллий қадриятларимизни ардоқлашга хизмат қиладиган мазкур фестивалда туман аҳли фаол иштирок этди, — деди туман ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари Санжар Исмаилов. — Айтиқисса, нурунийлар, уюшмаган ёшлар, хотин-қизлар ва имконияти чекланган кишилар юзқўларидан ҳам ватанпарварлик, шукроналик нафаси уфуриб тургани аққол сезилди.

Туман санъаткорлари иштирокидаги Наврўз ва ёшларнинг мадҳ этувчи бадий концерт дастури фестивалга кўтаринкилик, иштирокчиларга қувонч бағишлади. Шайхона ЮЛДАШЕВА.
("Жиззах ҳақиқати")

ТИББИЁТ



САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

Жиззах шаҳридаги "Karina Kayu" хусусий клиникасида вилоят худудида фаолият кўрсатаётган хусусий клиника раҳбарларининг вилоят ҳокими вазифининг бажарувчи Улуғбек Мустафоев билан учрашуви воҳада хусусий тиббийни ривожлантириш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш ва давлат ҳамда хусусий тиббий муассасалари ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйишга қаратилди.

Мулоқот давомида вилоят раҳбари хусусий клиникаларнинг аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишдаги ҳиссасини юқори баҳолаб экан, улар тажрибасини

давлат тиббий муассасаларида ҳам жорий этиш зарурлигини таъкидлади. Вилоят раҳбари хусусий тиббий муассасаларини қўллаб-қувватлаш, фаолиятини янада ривож-

лантириш учун зарур ёрдам кўрсатишга тайёр эканини айтди.

Учрашув давомида соҳа вакиллари ўзларининг таклиф, муаммо ва мулоҳазаларини билдиришди. Вилоят раҳбари уларни диққат билан тинглаб, ҳар бир масала юзасидан мутасадди идоралар раҳбарларига топшириқлар берди.

Ташриф доирасида Улуғбек Мустафоев "Karina Kayu" хусусий клиникасида яратилган замонавий шароитларни ўрганиб, техник жиҳозланиши, тиббий хизмат кўрсатиш даражаси ва иш услубига ижобий баҳо берди.

А.ЯКУБОВ.
("Жиззах ҳақиқати")

ВОҲА БЎЙЛАБ

МАКТАБЛАРДА ЯНГИ БОҒЛАР



Вилоятимиздаги мактабларда "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида ота-оналар боғлари барпо этишга киришилди. Вилоят ҳокими вазифининг бажарувчи Улуғбек Мустафоев умумтаълим мактаблари ҳовлисидаги бўш турган ерларда шундай боғлар барпо этиш ташаббусини ўртага ташлаганди.

"Ташаббуснинг қаноти бор" дейди халқимиз. Бу ташаббусни вилоятимиз аҳли қўллаб-қувватлади. Бунга Шароф Рашидов туманидаги 32-умумтаълим мактаби негизда ташкил этилган "Жасорат" мактаби ҳовлисида яратилган "Ота-оналар боғи"ни кўрган ҳар бир киши ишонч ҳосил қилиши мумкин.

Мазкур боғда мевали ҳамда манзарали дарахт кўчатлари экилиб, парвариш қилинмоқда. Мактаб ҳовлиси янада обод ва файзли масканга айланди.

Ушбу боғ нафақат мактаб атрофида гўзаллик бахш этади, балки ўқувчиларда экологик маданиятни шакллантириш ҳамда табиат билан бир бутун эканлигини ҳис этишда ҳам катта маънога эга. Янги ташаббус ота-оналарни мактаб ҳаётида фаол иштирок этишга ундаб, таълим муассасаси билан маҳалла ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Бу каби хайрли ишлар туманнинг бошқа мактабларида ҳам тизимли йўлга қўйилган. Жумладан, 15-умумтаълим мактаби ҳовлисида ота-оналар томонидан 670 тул мевали дарахт кўчатлари экилиб, улар парваришига масъуллар белгиланди.

Шунингдек, 19-умумтаълим мактабида мингдан зиёд мевали дарахт ҳамда 100 тулдан ортиқ манзарали дарахт мавжуд. Янги ташкил этилган "Ота-оналар боғи"га 400 тул мевали дарахт кўчатлари экилган бўлиб, боғ назорати ушбу соҳада катта тажрибага эга мутахассислар иштирокида берилган.

Шароф Рашидов туманидаги мактабгача ва мактаб таълими ташкилотларининг 65 фоизидан, яъни 47 та мактаб ва 8 та мактабгача таълим ташкилотида "Ота-оналар боғ"лари ташкил этилди.

ЭКОЛОГИК БИЛИМСИЗ МУАММОЛАР ҲАЛ БЎЛМАЙДИ



Ҳар йили мамлакатимизда "15 апрель — Халқаро экологик билимлар кунини" сифатида нишонланиб, бир ой мобайнида экологик билимларни кенг тарғиб қилиш, экомаданиятни шакллантириш, ёшлар ва аҳолининг экологик муаммолар ҳамда атроф-муҳит ҳолатидан хабардорлигини ошириш мақсадида тадбирлар ўтказилади.

Шундай тадбир Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар департаменти тасаруфидига Зомин давлат қўриқхонасида ташкил этилди. Тадбирда Қозон Федерал университетининг Жиззах филиали тиббий факультети талабалари ва Зомин давлат қўриқхонаси ходимлари иштирок этдилар.

Дастлаб қўриқхона маъмурий биносидан маънавий-маърифий суҳбат ташкил этилди, унда экологик барқарорлик, биологик хилма-хилликни асраш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Тадбир доирасида талабаларга Зомин давлат қўриқхонасининг фаолияти, бу ерда учрайдиган ноёб ўсимлик ва ҳайвонот турлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Экологик билимларни оширишга қаратилган викториналар, савол-жавоблар ҳам ўтказилди.

Асад МУСТАФОЕВ.
("Жиззах ҳақиқати")

● "ЯШИЛ МАКОН" УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИХАСИ

Иқлим ўзгариши, табиат ресурсларининг камайиши, чўлланиш жараёни, биохилма хилликнинг йўқолиши ва ҳавонинг ёмонлашиши инсоният келажагига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу муаммоларни бартараф этиш ва уларга ечим топиш дунёда энг долзарб масалаларга айланган.

Мамлакатимизда экологик масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, ўтган давр мобайнида Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, яшил ҳудудларни кўпайтириш ва экологик тарбияни ривожлантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. "Янги Ўзбекистон" концепциясида бу масалалар давлат сийосатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида

энергия каби қайта ишлатиладиган энергия манбаларининг қурилиши ва жорий этилиши кўзда тутилган, чунки Ўзбекистонда қуёш энергияси ишлаб чиқаришнинг катта имкониятлари мавжуд.

2. Энергия самарадорлигини ошириш. Иқтисодийнинг турли соҳаларида энергияни тежаш ва самарадорликни ошириш бўйича чора-тадбирлар белгиланган. Бу энергияни тежаш тех-

бия орқали одамлар табиатни асрашнинг аҳамиятини тушуниб, "яшил макон" ларни яратиш ва сақлаш учун зарур бўлган қадамларни қўядилар.

Мактабларда экологик тарбия билан боғлиқ фанлар мазмунига эътиборни кучайтириш лозим. Жумладан, экологик фанларни ўқитиш, амалий машғулотлар ўтказиш ва табиат билан боғлиқ тадбирларни ташкил этиш ёшларда экологик маданиятнинг шаклланишига ёрдам беради.

Олий ўқув юрларида ҳам экологик таълим устувор йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда. Масалан, аграр ва табиий фанлар йўналишида ўқувчи талабалар замонавий экологик муаммолар, уларнинг ечимлари бўйича амалиёт

19 минг 830 нафар киши иштирок этди. Шаҳар ва туманларда 78 та кўчат сотиш нуқталари (ярмарка) ташкил қилинди.

Вилоятдаги 34 та атроф-муҳитга таъсир хавфи бўйича юқори ва ўрта даражадаги хавфли тоифаларга мансуб ташкилотлар, саноат корхоналари томонидан 2025 йил баҳор мавсумида ўзларига ва туташ ҳудудларда 429,7 минг дона хар хил турдаги даракт ва бута кўчатлари экилиб, "Яшил белбоғлар" барпо этилди.

"Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида 2025 йил баҳор мавсумида кўчат экиш бўйича назорат тадбирларини сифатли олиб бориш мақсадида жабб қилинган 35 та ходим-га 35 дона планшет ва 13 дона влагомер қурилмалари берилди.

Газ таъминоти соҳасида

"АҚЛЛИ МАҲАЛЛА"лар ташкил этиляпти

Киш тугаб, гўеки табиий газга эҳтиёж пасаиди. Аммо олинди яна куз-киш бор. "Худудгазтаъминот" АЖ томонидан ўтган қиш мавсумида газ босимидан муаммо кузатилган ҳудудлардаги газ тақсимлаш пунктларида автоматлаштирилган тизим жорий этиляпти. Жиззах вилоятида ҳам дастлаб 14 та туман-шаҳар ҳудудларида биттадан намунали "ақлли" маҳалла ларни ташкил этиш кўзда тутилган.



Инсон омилсиз бошқарув тизими жорий қилиш Жиззах шаҳрида синов-тажриба тариқасида хизмат муддатини ўтаб бўлган газ тақсимлаш пунктлари чилангар ёки техник хизмат кўрсатувчи ходим назоратсиз бошқариладиган замонавий газ тақсимлаш пунктлари алмаштирилиши билан бошланган. Ҳозирда "Худудгазтаъминот" АЖ томонидан ажратилган 1050 та замонавий газ тақсимлаш пунктнинг Жиззах вилоятига берилган 350 таси тўлиқ ўрнатилган бўлиши. Вилоят аҳолиси учун қўшимча 1000 дона газ тақсимлаш қурилмаси олиб келинади.

—Ҳозирда Жиззах шаҳридаги Ҳамид Олимжон МФИ ҳудудида иш жараёнлари кетмоқда, — дейди "Худудгаз Жиззах" газ таъминоти филиали бўлим бошлиғи Музафар Салимов. — Маҳаллага кирувчи тармоқларга электрон газ ҳисоблаш ускунасини ўрнатиш орқали маҳалла баланси юзага келади. Бу ўз навбатида истеъмол қилинаётган газни аниқ ҳисоб-китоб қилиш, қувурдан хонадонгача етказиб беришдаги табиий газ йўқотишларининг олдини олади. Замонавий газ тақсимлаш пунктдан босим ростланиб, икки босқичли тизим орқали хонадонга барқарор табиий газ етказиб берилади. Газ тақсимлаш пунктларини ўрнатиш орқали табиий газ боси-

мини марказий сервер орқали назорат қилиш имкони яратилмоқда. — Шу вақтга қадар фойдаланишда бўлган эски турдаги газ тақсимлаш пунктлари кўп қаватли хонадонлар учун иккитадан ўрнатилган. Энди бунга ҳожат йўқ. Чунки эски турдаги газ тақсимлаш қурилмаларидаги мавжуд бўлмаган имкониятлар янгисиди мужассам. ГРП жўмрақлари ва резбали бирикмалари кам, бу эса қурилманинг тўлиқ хавфсизлигини таъминлайди, — дейди "Жиззахшаҳаргаз" газ таъминоти бўлими чилангари Собир Зайниддинов.

Мирзо Улугбек МФИда ҳам маънан эскирган қурилма ўрнида автоматлаштирилган технологиялар орқали масофадан бошқариладиган газ тақсимлаш пункти ишга туширилди. Ушбу замонавий ГТП технологиялик йўқотишларни сезиларли даражада камайитиришга ва маҳалладаги 20 та кўп қаватли уйларнинг газ таъминотини яхшилашга ёрдам бериши кутилмоқда.

Вилоятимиз ҳудудида "Автоматлаштирилган истеъмол назорат — ҳисоб баланси"ни жорий этиш табиий бойлик бўлган газ ресурсларини иқтисод қилиш ва аҳолига газ етказишда барқарор ва хавфсизликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Муқаддас САПАРОВА. ("Жиззах ҳақиқати")



Табиатга эътибор ва меҳр

қайд этилган. Яшил макон — иқлим ва саломатликнинг асоси бўлиб у инсондан яшил ҳудудларни кенгайтириш ва омма-лаштиришга доимий ғамхўрлик кўрсатиши талаб этиди. Шу сабабдан ҳам мамлакатимиз Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги "Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарактлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси ҳаётга табиқ этилди. Шунингдек, "Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда экологик назорат соҳасидаги давлат органлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори қабул қилинди. Сўнгги йилларда бу лойиҳа мамлакатда яшил иқлим ва экологик тоза технологияларни ривожлантириш, қайта ишлатиладиган энергия манбаларидан фойдаланишни кўпайтириш мақсадида қизгин амалга оширилмоқда.

нологияларини жорий этиш, саноат корхоналарида энергиянинг сарфланишини камайитириш каби чораларни ўз ичига олади.

3. Экологик тоза технологияларни жорий этиш. Иқлимга зарарли газлар чиқишини камайитириш мақсадида замонавий, экологик тоза технологияларни киритиш ва қўллаш кўзда тутилган.

4. Ҳаво, сув ва ерни муҳофаза қилиш. Лойиҳа экологик муҳитни муҳофаза қилишнинг муҳим жиҳатидир. Ҳаво, сув ва ерни ифлослантирадиган омилларни камайитириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилади.

5. Халқаро ҳамкорлик. "Яшил макон" лойиҳаси халқаро ташкилотлар ва мамлакатлар билан ҳамкорликда амалга оширилади. Бу Ўзбекистоннинг иқлим ва экологик муаммолар бўйича халқаро майдонда фаол иштирокини кўрсатади. "Яшил макон" лойиҳасининг асосий мақсади энг аввало — инсонларнинг табиат билан уйғунликда яшашини таъминлаш, экологини сақлаш ва келажақ авлодлар учун тоза ва соғлом муҳитни қолдиришдир.

Экологик тарбия ва "яшил макон" бир-бирини тўлдирлади. Экологик тар-

ўтмоқда. Олинган натижалар оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали кенг ёритилмоқда. Эко-тартибот роликлари, экологик муаммоларга бағишланган ҳужжатли фильмлар ва ижтимоий лойиҳалар экологик онгни оширишда муҳим воситалардан бирига айланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Фармоийишга мувофиқ, жорий йил баҳорги кўчат экиш мавсумида Жиззах вилояти бўйича 9843,5 млн дона манзарали, мевали даракт ва бута кўчатлари экилиши белгиланган.

Туман (шаҳар) Экология бўлиmlари томонидан кўчатлар сони, тури, жойлашув локацияси, сўғориш тизими ва масўуллари тўғрисидаги маълумотлар киритилган ҳолда 10 млн 266,3 минг дона (104,3%) кўчатлар "Yashilmakon.eco" электрон платформасида тасдиқланган. Шу билан бирга, 6 та шаҳар ва туманларда ҳокимлик ҳамда корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан 9,7 гектар ер майдонида "Яшил боғ"лар барпо этилди.

Бундан ташқари ҳудудларда баҳор мавсумида "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида 158 та МФИларда 189 та амалий семинарлар ўтказилди,

Хулоса қилиб айтганда, Янги Ўзбекистонда яшил маконларни кенгайтириш ва экологик тарбияни ривожлантириш мамлакатнинг барқарор ривожланиши ва аҳолининг саломатлиги учун муҳимдир. Ҳар бир фуқаро табиатни асраш ва атроф-муҳит муҳофазасига ҳисса қўшиши зарур. Табиатга бўлган эътибор ва меҳр бугунги куннинг эмас, балки келажақнинг муҳим кафолати ҳам ҳисобланади. Шу билан бир вақтда экологик тарбия ва "яшил макон"нинг ўзаро ҳамкорлиги орқали инсон ва табиатнинг мувозанатли ривожланишини таъминлаш мумкин. Бу эса келажақдаги экологик муаммоларни бартараф этишнинг асосидир.

Тўлқин КУЙЛИЕВ, ТошДАУ "Ижтимоий гуманитар фанлари" кафедраси доценти, фалсафа фанлари номзоди.

Бунёд ЭГАМОВ, Жиззах вилояти Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

Ҳар куни катта миқдорда кераксиз материал чиқиндига айланади. Чиқиндилар тўпланиш ҳажмининг мунтазам равишда ўсиши ва уларни утилизация қилиш воситаларининг етишмаслиги кўплаб муаммоларга сабаб бўлмоқда.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ



ЧИҚИНДИДАН МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА

Вилоятимиз ҳудудида жами 13 та маиший чиқиндиларни тўплаш полигонлари фаолият юритмоқда. Эндиликда ушбу полигонлар Президентимизнинг 2024 йил 4 январдаги фармонида асосан "Полигонларни бошқариш дирекцияси" давлат муассасаси Жиззах вилоят бошқармаси ихтиёрига ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 сентябрдаги "Маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш ҳамда соҳада хусусий сектор улushiни кўпайтириш мақсадида Дўстлик тумани "ТОЗА ЭКО ХУДУД" МЧЖга, Арнасой, Бахмал, Ғаллаорол, Зомин, Зафаробод, Пахтакор, Мирза-чўл, Фориш ва Янгибод туманлари "ЭКО СФЕРА" МЧЖга бирик-тирилди. Бундан чиқинди логистикасини тўғри йўлга қўйиш орқали чиқинди полигонлари фаолиятини оптимallasштириш ва инвестицион лойиҳалар учун кафолатланган чиқинди миқдорини таъминлаш мақсад қилинган.

Ҳозирда вилоят миқёсида маиший чиқиндиларни саралаб, қайта ишлаш фаолияти билан шўғулланувчи 24 та корхона томонидан 10,2 минг тонна чиқинди иккиламчи хом ашё сифатида қайта ишланади.

Жорий йилнинг 1-чорагида 9,4 минг тонна чиқиндидан махсулот ишлаб чиқарилди. Натижада вилоятда чиқиндиларни қайта ишлаш даражаси 15 фоизга етказилди. Йил давомида чиқиндиларни қайта ишлаш ҳажмининг ошириш эвазига қайта ишлаш даражасини 45 фоизга етказиш кўтилмоқда.

Вилоят Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси томонидан 41 та ноқонуний чиқиндиҳона аниқланиб, 134 тонна чиқиндининг полигонларга олиб бориб жойлаштирилиши таъминланди. Бундан ташқари, ҳудудларда белги-

ланмаган жойларда ноқонуний чиқиндиҳоналар ташкил этилишининг олдини олиш мақсадида 13 та шаҳар ва туманларда доимий равишда назорат тадбирлари олиб борилади. Унга қўра, 760 та ҳолат аниқланиб, ҳуқуқбузарларга нисбатан 507 млн сўм миқдорда жарима қўлланилди. Афсуски, чиқиндилардан бўлган дебитор қарздорлик 1 январь ҳолатига 13,8 млрд сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг 1 апрелида 15,6 млрд сўмга етди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Жанубий Кореянинг атроф-муҳит корпорацияси (Korea Environment Corporation K-eco) иштирокидаги "Шароф Рашидов туманида маиший чиқиндилар полигонидидаги газларни қисқартириш" истиқболли лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Вилоятимизда экологик барқарорликни таъминлаш учун 4 та санитар тозалаш корхоналари фаолият юритиб келмоқда. "Тоза ҳудуд" ДУК, ДХШ асосидаги "Тоза Эко Худуд" МЧЖ, "Эко Сфера" МЧЖ ҳамда кластер "Еко-House" МЧЖлар балансларида жами 227 та махсус техника, 590 та чиқинди контейнерлари мавжуд.

Вилоят Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармасининг мажлислар залида Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш вилоят бошқармаси билан ҳамкорликда ОАВ вакиллари ва блогерлар учун матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбир "Вилоятимизда чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш бўйича 2024 йил якунлари ва 2025 йилнинг 1-чорагида амалга оширилган ишлар" мавзусига бағишланди. Йилгиши давомида сўз олган мутасаддилар юқорида келтирилган амалий ишлар ва келгуси режалар хусусида маълумот беришди. Тадбир давомида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

Шаҳноза МАНСУРОВА. ("Жиззах ҳақиқати")

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР

Коррупцияга қарши биргалиқда курашамиз

2025 йилнинг 5 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида Коррупцияга қарши курашиш бўйича Миллий Кенгаши ташкил қилинган йиғилиши бўлиб ўтди. Давлат раҳбари йиғилишдаги нутқида коррупция ислохотлар йўлидаги энг катта тўсиқ ва ғов эканини таъкидлади.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Сиёсий Кенгаши Ижроия Кўмитаси ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик Палатасидаги фракциясининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди ва жорий йилнинг апрель ойи "Коррупцияга қарши курашиш ойлиги" деб эълон қилинди.

Мазкур ойлик доирасида Ўзбекистон "Адолат" СДП Жиззах вилоят кенгаши ҳамкор ташкилотлар билан биргалиқда тарғибот-ташвиқот тадбирларини бошлаб юборди. Жумладан, партиядан Жиззах вилоят Кенгаши томонидан жойларда давра суҳбатлари, учрашувлар, турли хил челленжлар ташкил этилмоқда. Партиядан Жиззах шаҳар ва туман Кенгашлари томонидан ҳар куни "Аҳолининг коррупцияга қарши курашишда фаоллигини ошириш — қонун устуворлиги гарови", "Таълим соҳасида коррупцияга қарши иммунитетни шакллантириш — ватанпарварлик туғуларини шакллантириш" ва "Бўлажақ кадрларни ҳалоллик ваққинаси билан эмлаш — давр талаби", "Соғлиқни сақлаш тизимини "Коррупциясиз соҳа"га айлантириш — устувор вазифамиз" мавзуларида давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда. Мазкур ойлик доирасидаги тадбирлар партия режаси асосида биринчи босқичда МФИларда ўтказилиб, партиядан вилоят Кенгаши томонидан 94 та МФИда тарғибот тадбирлари ўтказилди.



Шунингдек, айни кунларда "Коррупцияга қарши курашиш ойлиги" доирасида иккинчи босқич тадбирлари мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида қизгин ўтказилмоқда. Тадбирда сўзга чиққан фуқаролар коррупцияга қарши курашиш ҳар бир инсоннинг бурчи эканлиги, ушбу иллатнинг жамиятга, тараққиётга ва хавфсизликка катта таҳдид эканлигини ҳар бир онгли инсон чуқур англаши лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтишмоқда. Шунингдек, жойларда эртамиз келажақ бўлган ёшларда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатда бўлишни шакллантириш мақсадида турли челленжлар ташкил этилмоқда.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Жиззах вилоят Кенгаши матбуот хизмати.

СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИДА

Иқтисодий жиноятларни, мулкий низоларни судда қўриб чиқиш жараёнида турли товарларнинг сифатини баҳолаш талаб этилади. Шу сабабли низоли масалаларни одил судлов орқали ҳал этишда товаршунослик соҳасига оид махсус билимлардан фойдаланилади. Иш олиб боришнинг самараси кўп жиҳатдан мазкур экспертиза имкониятларидан қанчалик тўлиқ фойдаланилганлигига боғлиқ. Мол-мулкни бўлиш, уни ҳисобдан чиқариш, зарар етказганлик ёки

ТОВАРШУНОСЛИК ЭКСПЕРТИЗАСИ ҚАЧОН ЎТКАЗИЛАДИ?

бузганлик учун уни қоплаш, сифатсиз махсулотларни реализация қилганлик билан боғлиқ фуқаролик даъво ишларини қўриб чиқишда кўплаб суд-товаршунослик экспертизалари ўтказилади. Экспертизанинг вазифаси махсулотларнинг ҳақиқий сифати ва хусусиятларини аниқлашдан иборат. Экспертизани ўтказиш доирасида ечиладиган вазибалар-

дан бири бу диагност ҳисобланади. Бунда товардаги сифатли ўзгаришлар сабабларини аниқлаш ва нуқсонларнинг пайдо бўлиш хусусиятларини (улар ишлаб чиқариш билан боғлиқми ёки фойдаланиш жараёнида пайдо бўлганми) аниқлаш; товарнинг эскириш, зарарланиш, нуқсонларни ҳисобга олган ҳолда нархини аниқлаш; товарга нисбатан етқа-

Маълумки, фуқаролар пенсия тайинланиши учун Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимларига, Давлат хизматлари марказларига ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) орқали мурожаат қилишади.

ЁШГА ДОИР ПЕНСИЯЛАР ПРОАКТИВ ШАКЛДА ТАЙИНЛАНАДИ

Жорий йилнинг 1 мартдан бошлаб ёшга доир пенсияларни белгиланган ёшга тўлиши муносабати билан алоҳида мурожаат талаб этмаган ҳолда проактив шаклда тайинлаш тартиби жорий этилди. Пенсиялар ахборот тизимларидаги электрон маълумотлар асосида тайинланишини ҳисобга олиб, ҳар бир фуқаро иш стажини, иш ҳақи ҳамда меҳнат дафтрасидаги мавжуд маълумотларни аввалдан рақамлаштириб бориши тавсия этилади.

Шу сабаб меҳнат фаолиятини олиб бораётган ҳар бир юртдошимиз иш стажининг расмий шаклда кетаётгани ва иш ҳақи маълумотлари тўғри ёзиб борилаётганига ишонч ҳосил қилиши лозим. Бу маълумотлар my.gov.uz порталидан рўйхатдан ўтиб текширилади. Шунингдек, ходим иш жойидаги кадрлар бўлимига мурожаат қилиш ва барча маълумотларини "Ягона меҳнат миллий тизими" идораларо дастурий-аппарат комплексига киритишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Фуқаро пенсия ёшига етган фуқаро иш фаолиятини тўхтатган тақдирда исталган Бандликка кўмаклаш марказларига мурожаат қилиш ҳамда маълумотларини "Ягона меҳнат миллий тизими" идораларо дастурий-аппарат комплексига киритиш хизматидан фойдаланиши мумкин.

Шаҳобиддин АБРАЕВ, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Бахмал туман бўлимининг бошлиғи.

зилган моддий зарар миқдорини аниқлаш каби вазибалар ҳал этилади.

Шунингдек, товарларни баҳолашда унинг маркази, русуми, техник кўрсаткичлари, ҳолати ҳисобга олинади. Мазкур масалалар бугунги кунда актуал ҳисобланган ва турли гуруҳдаги товарларни баҳолаш билан боғлиқ суд-товаршунослик экспертизасини тайинлашга қаратилган.

М.НИЗОМОВ, Хадича Сулаймонова номидagi РСЭМнинг Товаршунослик экспертизаси бўлими катта эксперти.

МЕНИНГ МАҲАЛЛАМ, МЕНИНГ ТАҚДИРИМ

Хар бир хонадон, кўча ва маҳалла ободлиги йўлида масъулиятни зиммасига олиб, одамларни бир мақсад сари сафарбар қилаётган маҳалла раисларидан бири Рустам Даминовдир. Унинг Шароф Рашидов туманидаги "Қаҳрамон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси сифатида иш бошлаганга кўп вақт бўлмади. Лекин қаерда иш тўғрисида, фуқаролар билан яқин ҳамкорлик ўрнатилса, ўша ерда ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат муҳити ҳукм суришини ёш раҳбар ёнида юриб, унга қанот бўлаётган маҳалла элликбоши Аҳмад бобо Яхшиликковдан кўп эшитган. "Маҳалла еттичилиги" аъзолари ҳамкорликда ишни бошлаб, ободлик, фаровонлики таъминлашга астойдил бел боғладими, фаоллики, ҳаракатни ҳам шунга монанд тарзда олиб борилаётганига маҳалла идорасига борганимизда яна бир бор амин бўлдик. Турли масалаларда мурожаат қилиб келаётган фуқаролар, вилоят, туман ҳокимлиги тизимидаги корхона, ташкилотлар вакилларининг топшириқлар ижроси бўйича ташрифи кун давомида тўхтамади.

корлик қилиш ниятида маҳаллага бириктирилган ҳоким ёрдамчиси Сардор Бобобековга мурожаат қилди. Маҳалла худудидаги ташландиқ жой қисқа фурсатда текисланди, у ерга тоза тупроқ ётқизилиб, бинийидек уч сотихдан 4 та иссиқхона барпо этилди. Имтиёзли кредит ҳисобига томорқачи бу ерга 8 турдаги гул ҳамда помидор, бўлғор қалампир, бақлажон уруғини эқди. — Энди уйда ўтиролмайман, гуллари, кўчатларим ёнига тезроқ ошиқа-



наткаш Сайёра опа Мирзаева бирпасда машхур бўлди. Тўрт фарзандни уйли-жойли қилиб, 16 нафар набира, 4 нафар эвара ардоғида Нормухаммад бобо билан умргузаронлик қилаётган опа етмиш ёшда ҳам тиним билмайди. Сайёра опа шунча ғайрат, кучни қаердан оларкан, деб ҳавасла боққанлар ҳам кўп бўлди. Эрта тондан кўш ботар маҳалгалча, саратоннинг иссиғидан қишнинг қаҳратонида ҳам, йил ўн икки ой ҳар бир туп дархат, ниҳол, гул гуначаларини кўпайтириш, чорва, гул гуначаларини парваришга вақт топади. — Дархат экиш ва уни парваришдаги мажбурият эмас, қадрият сифатида қабул қилайлик, токи биздан фарзандларимизга обод, яшилликча бурканган гўзал Ватан мерос қолсин, — дейди Сайёра Мирзаева. Имтиёзли кредит олган оилавий тадбиркор ҳовлисида 200 бош товуқ ҳам парвариш қилаётган. Кузга бориб тадбиркор опа товуқлар бош сонини яна 200 бошга етказмоқчи. Кунига тухум

Зоир ЭРГАШЕВ. ("Жиззах ҳақиқати")

Шерзод ЭГАМКУЛОВ олган суратлар.

ТИНИБ-ТИНЧИМАЙДИГАН ҚАҲРАМОНЛИКЛАР

— Саёй-ҳаракатларимиз жайрли ва савобли ишларимизнинг бардавомлигига, ёшларимизнинг маънавияти ва тарбияси янада юксак бўлишига, миллий қадриятларимиз ривожига, халқимиз орасида ҳамжиҳатлик туйғуларини мустаҳкамлашига пойдевор бўлиб хизмат қилаётганидан мамнунман, — дейди меҳнат фаҳрийси, маҳалла фаоли Аҳмад бобо Яхшиликков. — Мен, Сарвар Икромов ҳамда Карим Назаров сингари нурунийларнинг ҳар бирига маҳалладаги беш нафардан камбағал оилалар бириктирилган. Уларнинг турмуши, яшаши, фарзандларининг ўқиши, бандлиги, моддий таъминотидан ҳар ойда хабардор бўлиб тураимиз. Қаҳрамон катта маҳалла, бу ерда 10600 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Худудда 27 та юридик корхона, 19 нафар яқка тартибдаги тадбиркор фаолият кўрсатади. Маҳалланинг асосий драйвери кўчатчилик ҳамда иссиқхона-томорқа ҳўжалиги ҳисобланади. Азал-азалдан деҳқончилик, боғдорчилик, томорқачиликда қаҳрамонликлар воҳада намунали маҳалла сифатида эътироф этилган. Хозир ҳам шундай. Маҳалла томон йўлингиз тушса "яшил белбоғлар", боғзорлар ва иссиқхоналарда етиштирилаётган сархил

қишлоқ ҳўжалиги экинларидан кўзингиз равшан тортади. Қаҳрамонликлар шунча, бир кафт ерга чўп тикиб кўйса ҳам кўкартириб олади. Бу йилги "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасининг баҳорги мавсумида нурунийлар ташаббуси билан худуддаги "Кўшбармок" қабристонига 1000 туп, маҳалла худудидан ўтган Учтепа-Пахтакор автомобиль йўлининг чап томониغا 800 туп назарали, 500 туп мевали дархат кўчатлари экилди. Иссиқхона барпо этган ҳам таъминланган оилаларнинг томорқачиларига 400 туп лимон кўчати тарқатилди. "Аёллар дафтари"да рўйхатда турган 5 нафар хотин-қизга тадбиркорлик билан шуғулланиши учун кредит ажратилди. 15 нафар ижтимоий реестрда турган аёлларнинг уч нафари бепул тиббий кўриқдан ўтказилиб, соғлиги тикланди. 2 нафар оиланинг уч нафар фарзандига тўғарак пуллари ёшлар етакчиси саёй-ҳаракати билан тўлаб берилди. "Маҳалла еттичилиги" кенгаши қарорига кўра 2 нафар ижтимоий реестрда турган оилаларнинг уйи таъмирлаб бериладиган бўлиди. 10 нафар оғир тоифадаги фуқароларга тадбиркорлигини бошлаши учун автомобиль ювиш шохобчаларида асқотадиган

ускуналар, компьютер жамламаси, мотокультиватор, сартарошлик ускуна ва жиҳозлари берилди. Жорий йилда маҳалладаги 11 та кўчага хашар усулида шағал ётқизилди. Кўшбармок, Дўстлик, Халқлар дўстлиги ҳамда Туркистон кўчаларида истиқомат қилувчи 2000 нафардан ортиқ аҳолининг ичимлик суви қувурлари янгисига алмаштирилди. Яқинда ўтказилган "Обод хонадон, обод кўча, обод маҳалла" кўрик-танловида Қаҳрамон маҳалласи Шароф Рашидов тумани шаънини муносиб ҳимоя қилиб, вилоятда беҳиз фахри учинчи ўринни кўлга киритмаганига гувоҳ бўлдик. — Юрт тараққиёти маҳалладан бошланади, агар маҳаллада тинчлик бўлса, жамиятда оёсийишлик бўлади, меҳр-оқибат устувор бўлса, халқ фаровон яшайди, — дейди "Қаҳрамон" МФЙ раиси Рустам Даминов. — Маҳалла ҳодимлари бу бирдамликнинг асосий пойдеворини яратувчилари ҳисобланади, десам янглишмайман. Жорий йилда ҳоким ёрдамчиси ва маҳалла банкири тавсиясига кўра, 35 нафар фуқарога имтиёзли кредитлар ажратилди. Тўлғоний Бўронова бундан уч ой олдин турмуш ўртоғи Улуғбек билан маслаҳатлашиб, оилавий тадбир-

ман, — дейди Тўлғоний Бўронова. — Кредитларни ўз вақтида ёпиб бораёяман, тўғриси, ҳаммаси тушга ўхшайди. Оилавий тадбиркор сифатида, бир оддий камбағал оила бекасининг оёққа туриб кетиши учун камарбаста бўлган мухтарам Президентимизнинг мен каби аёлларга, оилаларга кўрсатган эҳтишда имтиёз ва ғамхўрликлари учун миннатдорман. Аини пайтда иссиқхоналарда 200 минг туп кўчатлар етиштирилиб, пешма-пеш харидорларга, ички бозорга етказилмоқда. Тўлғонийга томорқа ишларига қизи Севинч ҳамда ўғли Асилбек ўқишдан бўш вақтда кўмак бераётган. Оилавий тадбиркор яна иккита оила бекасини ҳам иш билан таъминлади. Тўлқин Расулов ўттиз тўрт ёшда. Ети йил умри Санкт-Петербургда шаҳрида ўтди. Шу йил февралда мигрант ўз юртига, жонажон оиласи бағрига қайтди. Аини пайтда у металл дарвоза қайта, ўзини ўзи банд қилган. Субсидия асосида пайвандлаш ускунаси олиш учун маҳалла раисига мурожаат қилган Тўлқиннинг укаси Тоиржон билан янги лойиҳа устида бош қотирмоқда. Кўксарой кўчасида истиқомат қилувчи камтарин, камсўқум, содда, меҳ-



Инглиз ёзувчиси Артур Конан Дойлнинг "Йўқолган дунё" асаридан шундай парча бор: ер бағрини ўйиб қираётган бургулаш ускунаси таққа тўхтайдми. Ер қаъридан шундай бир нидо отилиб чиқадики, эшитганлар тиззаларига чўкиб қоладилар. Она ер нидоси унинг бағрини чок қилаётган, маъдан излаш иштиёқидаги инсонларни тўхташга ундайди.

Албатта, фантастик жанрда ёзилган бу асарда Ернинг ҳимояга муҳтожлиги, унинг "оғиркарвон" ҳамда бағрикенг эканлиги исталган ҳаракатни амалга ошириш мумкин, дегани эмаслиги ҳақида бонг ури-

ладди. Адабиётнинг вазифаси авлодларда маънавият ва муҳаббат туйғуларини тарбиялаш экан, она Ерга нисбатан ҳурмат ўйғотиш ҳам унинг оғрикли мавзуларидан бири. Момоларимиз бизга "Иссиқ

Ер куни бугунги кунда ўзини экологик ва антропологик хусусиятларидан кенгрок кўламага чиқиб, инсонпарварлик, тинчлик учун кураш мақсадларини ҳам ифодаламоқда. Масалан, шу кун дунёнинг кўплаб ривожланган жамиятларида тинчлик намойишлари, Ер сайёрасида яшовчи барчанинг тенг ҳуқуқлилиги ҳамда биродарлигини ифодаловчи тадбирлар ўтказилади. Халқаро ер куни 2009 йилда БМТ Бош ассамблеяси томонидан таъсис этилди. Ер ҳаётининг тўрт асосий унсуридан бири эканлиги сабабли унга ҳурмат ва муҳаббат уйғотишга хизмат қилувчи тадбирлар экологик, тинчликпарвар ва фуқаролик ташкилотлари томонидан йилнинг бошқа вақтларида ҳам нишонлана бошланди. Маълумотларга кўра, Жиззах вилоятини сўнгги беш йилда 81,9 минг гектар, жумладан, 70,9 минг гектар лалми яёлов ер майдонлари ўзлаштирилди. 11 минг гектар сувли ерлар қишлоқ ҳўжалигида қайта фойдаланишга киритилди. Боғлар майдони 6 баробар кўпайиб, 32,5 минг гектарга, узумзорлар

9 баробар ошиб, 15,5 минг гектарга етди. Рақамлардан ҳам кўришиб турибдики, инсоннинг табиғатга ғамхўрлиги унинг ўзига бир неча баробар ризқ-рўз бўлиб қайтади. Дарҳақиқат, Ер ризқ манбаи, бизнинг ягона ватанимиз бўлиши билан бирга ўзининг тортиш кучи билан чексиз фазога сочилиб кетмаслигини таъминлаб туради. Халқаро Ер куни муносабати билан университетимизда ҳам атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, тинчлик-тотувликни асраш мавзуларида давра суҳбатлари, тадбирлар ташкил этилади. Университет боғига "Ашил макон" лойиҳаси доирасида қадалган ниҳоллар сафди кўпайтирилади ҳамда мавжудларни суғорилади. Сана хоҳияти тарбиявий, экологик, фалсафий ва маданий мазмун касб этиши боис ҳар бир факультетда ўзига хос тарзда нишонланади. Раъно НОРБЕКОВА, ЖДПУ инглиз тили амалиёти кафедраси доценти вазифасини бажарувчи.

Бутун дунёда кучайиб бораётган гадьялизм, экстремизм, терроризм, одам савдоси, раиҳванлик каби хатарлар, афсуски, мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмапти. Орамизда адашганлар, экстремизм гоъларига берилганлар ҳам учраб турибди. Интернет тармоғи орқали тарқатилган ғаразли маълумотлар, турли бузғунчи гоълар таъсирга тушиб қолаётган баъзи таққиланган диний маърузаларни тинглашга, уларни тарқатишга уринаяптилар. Охир-оқибат бундай кимсалар қилмишдан пушаймон бўлишмоқда.

Жаҳолат асири

Эндигина 29 ёшни қарши олган зарбдорлик Имрон Шералиев (исм-шарифи ўзгартириб берилмоқда) Қозғистон Республикасига ишлашга боғлиқ, бир думалаб "мусулмон" бўлиб қолганлардан бири. У телефони аппарати орқали интернет тармоғининг турли манзилларида мавжуд бўлган ақидапарастлик гоълари билан йўғрилган диний мазмундаги материаллар билан танишиши натижасида Ўзбекистон Республикасида фаолият таққиланган "Тавҳид ва жиҳод катибаси", "Ироқ ва Шом ислом давлати" (ИШИД), "Туркистон Ислам ҳаракати", "Имом Бухорий катибаси", "Исломиий жиҳод иттиҳоди" ва бошқа халқаро террорчилик ташкилотлари тарафдорларининг гоъий таъсирга тушиб қолади. Ўзбекистонда таққиланган халқаро террорчилик ташкилоти тарафдорларининг ақидапарастлик гоълари билан йўғрилган материалларни тарқатиш мақсадида Telegram месенжери, YouTube видеохостинги ва бошқа манзиллардан юклаб олиб, ўзининг "Samsung A-31" русумли телефон аппарати хотирасида сақлаб келган. Бу ҳам етмагандай, И.Шералиев жиноий ҳаракатларини давом эттириб, телефон аппарати хотирасида ақидапарастлик гоълари билан йўғрилган диний мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида Telegram месенжери, YouTube видеохостинги ва бошқа манзиллардан юклаб олиб, ўзининг "Samsung A-31" русумли телефон аппарати хотирасида сақлаб келган. Ўзбекистон Республикасида Вазирил Маҳкамаси ҳузуринида Дин ишлари бўйича қўмитанинг экспертиза ҳулосасида И.Шералиевга тегишли бўлган бир дона телефон аппарати хотирасида сақлаб келинган файллардаги маълумотлар ақидапарастлик гоълари билан йўғрилган ҳамда ақидапарастлик тарғиб қилувчи материаллар сирасига кириши,

исломий давлат жорий қилиш гоълари мавжудлиги, мазкур материалларни Ўзбекистон Республикаси худудида олиб кириш, тайёрлаш ва тарқатиш таққиланиши қайд этилган. Судда Имрон ўз қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонда экани, бундай ҳолат бошқа таққорланмаслигини баён этиб, англик беришини сўради. Жиноят ишлари бўйича Пахтакор туман судининг ҳужмига биноан И.Шералиев Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 244-моддаси 1-қисми ҳамда 246-моддаси 1-қисми билан айбни деб топилиди ва унга 3 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Билимсизлик, жоҳиллик ва лорчилик ташкилотлари тарафдорларининг гоъий таъсирга тушиб қолади. Имрон "Нега мен бу маърузаларни тинглашим керак?", "Нега мен ақидапарастлик билан йўғрилган гоъларга эргашшим керак?" деган саволларни ўзига берганида ёки ота-онасидан бир оғиз маслаҳат олганида эди, бугунги кунда бу қуйга тушиб ўтирмасди. Нияти бузуқ бўлган ёвуз кимсалар ўзини диндор кўрсатиб, урушга, қон тўкишга даъват қилиб турсаю, уларга қўшилиб кетаверса ёки маърузаларини тинглаб, ўзи билан олиб юрса. Бу нодон одамнинг иши эмасми?! Билимсизлиги туйғали жаҳолат асирига айланган 29 ёшли йигит қилмишидан пушаймон бўлмоқда. Унга бузғунчи гоълар таъсирга тушиб қолиш қимматга тушиди. Энди кўзи очилиб, оқу қорани яхши ажратадиган бўлса ажабмас. Ижтимоий тармоқларнинг бошқа "ишқибозлари" ҳам бу йигитнинг ачқик қисматида ҳулоса чиқариб олишга ўзларига фойда. Ёшларга ота-боболаримиз бир иш қилишдан олдин "Этти ўлчаб бир кес" қабилида иш тутушганини ўргатишимиз керак. Отаналар фарзанд тарбиясига жиддий эътибор беришлари, ўзлари ҳам доим оғоҳ бўлишлари бугуннинг талаби.

Суд ҳукмига асосан Лочин БЕК тайёрлади.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ТАДБИРКОРЛИГИ

Ҳалол меҳнатим — умрим зийнати

Юртимизда хотин-қизлар тадбиркорлигига берилаётган эътибор сабаб аёлларимиз бу соҳага дадил кириб боришаёттир. Кичик бўлса-да, ўз тадбиркорлигини йўлга қўяётган, кўплаб шоғирдлар тарбиялаб, хунарини элга ёяётган ишбилармон опсингилларимизни кўплаб учратиш мумкин.

Севара Алматова 1988 йилда Шароф Рашидов туманидаги Ёшлик маҳалласида туғилган. Мақтабни тамомлагач, Жиззах шаҳридаги "Машхура" ўқув марказида тикувчилик йўналишида ўқиди. Гуруҳда ширинликлар тайёрлаш йўналишида ўқийдиган қизлар ҳам бўлиб, улардан дарсда ўтганларини эшитар, уйга келиб ўша ширинликларни пишириб кўрарди. Телевизорда кўрганларини тайёрлар, бировдан сўраб бўлса-да ўрганарди. 2005-2006 йилларда тикувчилик йўналишида анча шоғирдлар тайёрлади. Улар турмуш қуриш арафасида турган қизлар эди. Ўша пайтларда келинлар учун сарпо кўпрок зардуликдан тикиларди. Тўйларга зардулик буюмлари учун ҳам буюртмалар олар, бозорга тиккан маҳсулотларини чиқарарди. Севара ўзи мустақил тадбиркорлик фаолиятига қўл уришни орзу қиларди. Турмушга чиққач, турли ширинликлар,

мавсумида банка ёпиб сотардим, ҳозир ҳам ёпиб берамиз. Булар хотин-қизларимизнинг қўлидан келадиغان оддий ишлар. Ҳамма гап ҳаракатда, унда барака бор. Опа-сингилларимиз "мен буни юргизолмайман, сотилмади", деб ўтирмастлиги керак. Бугун ишлари юришмас, эрта юришмас, индин албатта, юришиб кетади. Бугунги кунда Севара турмуш ўртоғи Олимжон билан икки қиз, икки ўғилни вояга етказмоқда. Узи ният қилган тадбиркорлигини йўлга қўйди. Нафақат тўйлар учун буюртмага сомса, салат ва ширинликлар пиширади, балки ярим тайёр маҳсулотлар — чучвара, сомса хамирларини сотувга чиқармоқда. Ҳозирда 2-3 нафар унга ёрдам берадиган ишчилари бор. Бундан ташқари, қизлари ҳам оналарига кўмаклашади. Утган йили 30 миллиондан ортиқ маблағ ишлаб топди, уйининг кам-кўстига сарфлади. — Рузгор қачонки эр-хотин бирга-бирга қадам ташласа, шундангина бун бўлади, — дейди у. — Бизга қараб фарзандларимиз ҳам рўзгор тутишни ўрганишяпти. Пиширувчида уқув аслида онамдан ўтган, улар пазанда эди, болалигимизда байрам дастурхонларини жуда чиройли безарди. Хо-

надонимизда ҳеч уруш-жанжал бўлмаган, турмуш ўртоғим овқатларим, пиширганларимни мақтаб, рағбатлангирганларини учун балки шу ишни эплаб кетгандирман, деб ўйлайман. "Уйда ҳамма нарсани пишира олсанг, сомса, кабоб қўлингдан келса, чойхонада нима қиламан", деб уйга шовшади доим. Қийинчиликлар ҳаммининг ҳаётида бўлади, мен ўзимга ишонганим учун уларни енгиб ўтганман.

Холниса РАҲМОНҚУЛОВА. ("Жиззах ҳақиқати")





Besh tashabbus — Bosh tashabbus



IMOM MOTURIDIY TAVALLUDINING 1155 YILLIGIGA

RUSHDI HIDOYATGA BOSHLOVCHI IMOM

Abu Mansur Muhammad ibn Mahmud al-Hanafiy al-Moturiy as-Samarqandiy islomiy ilmlarning yetuk sohibi sifatida buyuk tarixchi, yozuvchi va shoirlar asarlarida katta ehtirom bilan tilga olingan allomadir. U islom dinidagi sunniylarning to'rtta mazhabi asoschilarining mavjud barcha manbalarini chuqur o'rganib, fiqh, kalom ilmiga oid asarlari bilan musulmonlar tarixida o'chmas iz qoldirgan. Jumladan, "Ma hazi ash-shari'a" (Shariat asoslari sarasi), "Kitab al-jadal" dialektika haqida kitob, "Kitab al-usul" (diniy ta'limot usuli kitobi), "Kitab at-Tavhid" kabi asarlari bilan islom ta'limotining ulug'lanishiga katta hissa qo'shgan.

Taniqli muarrix al-Kafaviy yozishicha, Imom al-Moturiy o'z zamonasidayoq ma'rifat peshvolari orasida "Imom al-Huda" — Rushdi hidoyatga boshlovchi imom, "Quvat ahl as-sunna val itidho" — Sunnat va hidoyat ahliga ibrat zot, "Xurofot va bid'atga botgan uydirmalarning ilidzi bilan qo'poruvchi, barcha mutakallimlarning imomi" kabi taxalluslar bilan mashhur bo'lgan. So'z mulkingning sultoni Alisher Navoiyning "Nasoyim ul-muhabbat" asarida "Shayx Abu Mansur al-Moturiy o'z zamonining a'lam ulamosi erishdi. Ul vaqt ulamosi alarni "Sulton ul-muizzin" dermishlar Zohir va botin ulumlari bila orosta erinishlar...", deya e'tirof etilgan.

1999-yilda O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "Imom Abu Mansur al-Moturiy davlatining 1130 yilligini nishonlash to'g'risida"gi qarori ijrosini ta'minlash maqsadida allomaning hayoti, faoliyati va ijodiy merosini chuqur o'rganish, keng omмага tanitish, targ'ib etish ishlari olib borilgan edi. Ayni kunlarda ham O'zbekiston Respublikasi Prezidentining joriy yil 14-martdagi "Imom Moturiy davlatining 1155 yilligini keng nishonlash to'g'risida"gi Qarori ijrosi yuzasidan bir qator tashkiliy va ma'rifiy ishlar boshlab yuborildi. Jumladan, viloyat hokimligining Jamoat va diniy tashkilotlar bilan aloqalar bo'yicha kotibiyati tomonidan Zomin tumanidagi "Ma'rifati" jome masjidida hamda

G'allaorol tumanidagi "Nurul Islom" jome masjidida shu mavzuga qaratilgan davra suhbatlari o'tkazildi.

— Biz islom ta'limotida teran fikrlay olguvchi, o'zining ilmiy va diniy keng qarashlariga, komillik fazilatlariga ega yoshlarni tarbiyalash uchun ulkan va sharafli ma'naviy merosga ega xalqmiz, — deydi "Ma'rifati" jome masjidida imom-xatibi Ravshan Abrorov. — Biroq ba'zi yoshlar diniy tushunchalari sayoz bo'lganligi oqibatida badiiyat kishilarning noqonuniy harakatlari ishtirok etib, buz'unchi g'oyalari ta'siriga tushib qolishmoqda. Kelajak avlod vakillarini Imom Moturiy asarlaridagi hayotbaxsh g'oyalardan xabardor etish bu kabi holatlarning oldini olishda muhim ahamiyatga ega.

Darhaqiqat, buyuk mutakallim Imom Moturiy yashagan davr IX asr oxiri, X asr boshlarida islom dunyosining qator o'lkalarida diniy mutaassiblar va buz'unchi guruhlarining imon-e'tiqod mavzularidagi noto'g'ri talqinlaridan musulmonlar aziyat chekib, turli muammolar girdobida qolishgan edi. Shunday murakkab vaziyatda Imom Moturiy islom dinining asl mazmun-mohiyatiga

mos keladigan ulug'vor ta'limot bilan xalqni sog'lom fikrlashga undab, musulmonlarni aqidasi bir-biriga zid bo'lgan buz'unchi, fosiq nazarlardan saqlashga urindi. Alloma e'tiqod masalalariga bir tomonlama yondashib, xato talqin qilishlik zalolatdan o'zga musibat emasligini, inson o'z harakatlari oldida mas'ulligini, zotan, idrok va tafakkur etish, ruhan yuksalish sifatleri, ne'matlari odamga nasib etilganligini o'z g'oyalari ilgari surgan.


Ta'kidlash joizki, donishmand, ulug' ajdodlarimizning ma'naviy meroslarini qunt bilan o'rganish, hurmat bilan targ'ib etish kelajak avlod vakillariga ilmga yo'g'rilgan eng afzal manzillarni taqdim etishi shubhasiz. Shunday ezuq maqsadlar bilan Imom Moturiy davlatining 1155 yilligiga bag'ishlangan ma'rifiy tadbirlar joylardagi axborot-kutubxonalar markazlarida, oliy ta'lim muassasalarida o'tkazilishi davom etmoqda.

Gulchehra XIDIROVA.
("Jizzax haqiqati")

Osioy kubogi U-17

Saudiya Arabistonida bo'lib o'tayotgan U-17 Osioy kubogi musobaqasining yarim final bahslari yakuniga yetdi. O'zbekiston terma jamoasi bilan kuch sinashib, yirik 3:0 hisobida zafar quchdi.

O'smirlarimiz finalda



Uchrashuvning 31-daqiqasida Sadridin Hasanov hisobni ochdi. Oradan 10 daqiqa o'tgach, koreyalik futbolchi qo'pol o'yin ko'r-satib, qizil kartochka oldi va raqiblarimiz bir kishi kam bo'lib o'ynay boshladi. Ustunlikka erishgan futbolchilarimiz shiddatli hujumlarni davom ettirishdi. Ammo hisob o'zgarmay qoldi.

Ikkinchi bo'limning 62-daqiqasida Jamshidbek Rustamov kuchli zarba bilan raqib darvozasini aniq nishonga oldi. Oradan 3 daqiqa o'tib Abubakir Shukurullayev koreyaliklar darvozasiga navbatdagi to'pni kiritdi va hisobdagi farqni yiriklashtirib qo'ydi. Vakillarimiz ushbu g'alabadan so'ng finalga yo'l oldilar.

Ikkinchi yarim final bellashuvida Saudiya Arabistoni o'smirlar terma jamoasi dramatik tarzda g'alabaga erishib, Janubiy Koreyaning penaltilar seriyasida 3:1 hisobida mag'lub etdi va finalga yo'l oldi. 20-aprel kuni finalda O'zbekiston terma jamoasi musobaqa mezboni Saudiya Arabistoni bilan kuch sinashadi.

V.G'AYBULLAYEV.
("Jizzax haqiqati")

Kadrlar uchun katta imkoniyat

An'anaviy ta'limda o'quvchi-talabalarga dars berishda asosiy e'tibor nazariyaga qaratilib, amaliyotga kam vaqt ajratiladi. Tabiiyki, buning ortidan o'qishni bitirib endigina ish faoliyatini boshlagan kadrlar qator muammolarni boshdan kechirishadi.

Ana shunday vaziyatlarning oldini olish maqsadida dunyo davlatlarining ta'lim tizimi o'rganilib, o'qish bilan bir vaqtda korxonalar, tashkilotlarda ish faoliyatini olib borish imkoniyatini beruvchi dual ta'lim shakli milliy ta'lim tizimiga kiritildi.

Bu borada G'allaorol tumanida joylashgan 1-sonli politexnikumda tizimli ishlar amalga oshirilmog'ga.

Xususan, politexnikumda "Suv xo'jaligi avtomatlashtirilgan tizimi operatori ustasi" yo'nalishiga o'quvchilar dual ta'lim shaklida qabul qilinmoqda. Jizzax bosh nasos stansiyasi bilan 3+3 shaklida shartnoma imzolandi, hozirda talabalar nazariy bilim olish bilan birga amaliyotda, haqiqiy ish jarayonida toblanishmoqda. Buning natijasida, albatta, yoshlarning o'z kasbiga bo'lgan mas'uliyati va ishtiyoqi oshadi.

Shuningdek, politexnikum va tumanida faoliyat ko'rsatib kelayotgan ishlab chiqarish korxonalarida dual ta'limda o'qitish hamda kunduzgi ta'limda o'qiyotgan yoshlarni ish bilan ta'minlash bo'yicha shartnomalar imzolandi. Ma'lumki, Prezidentimiz tomonidan G'allaorol tumanining lalmikor hududi sanoat zonasida deb e'lon qilindi. Mazkur zonada bunyod etilayotgan 5 ta loyiha bilan, bundan tashqari, Ozarbayjon va Qo-



zog'iston davlatlaridagi ta'lim muassasalarini bilan hamkorlik memorandumlari tuzildi.

Yuqoridagi istiqbolli rejalarga binoan 2025-2026-o'quv yilida 200 nafar o'quvchi uchun qabul e'lon qilindi. Hozirda yoshlarni dual va kunduzgi ta'limga jalb qilish uchun targ'ibot ishlari olib borilmoqda.

Mazkur ta'limdan maqsad, iqtisodiyotning barcha sohalarida malakali va zamonaviy kasbiy ko'nikmalarga ega bo'lgan o'rta bo'g'in kadrlarini tayyorlash hamda yoshlarning kasblar va mutaxassisliklarni egallashga bo'lgan qiziqishlarini oshirish yo'lida keng imkoniyatlar yaratish. Aytib o'tganimdek, ushbu tizimda yoshlar ta'lim olish bilan birga haqiqiy ish joyida o'z kasbiy ko'nikmalarini rivojlantirishadi.

Nigora ABDUSATTAROVA,
G'allaorol tumanidagi 1-sonli politexnikum direktori.

TEKNOLOGIYA

To'rt tilli mobil ilova yaratildi

Jizzax politexnika instituti professor-o'qituvchilari tomonidan to'qimachilik atamalariga oid mobil ilova yaratildi. Ilova o'zbek, rus, ingliz va nemis tillaridagi izohli lug'atni o'z ichiga olgan. Unda to'qimachilik materiallari va texnologiyasiga oid 1500 dan ziyod keng ishlatiladigan atama va iboralar joy olgan.

Mobil ilova institutning "To'qimachilik mahsulotlari texnologiyasi" kafedrasida faoliyat ko'rsatuvchi texnika fanlari nomzodi, professor Erkin Alimbayevning "To'qimachilik materiallari va texnologiyasidan izohli lug'at" kitobining elektron ko'rinishi hisoblanadi. Lug'atda atamalar va iboralar izohlangan, sharh bilan birga sohaga oid rasm va chizmalar keltirilgan.

Ushbu qimmatli manbada soha o'qituvchilari, talabalar, magistr va doktorantlar, ilmiy tadqiqot olib borayotgan mustaqil izlanuvchilar, shuningdek, ishlab chiqarish korxonalarini marketolog va muhandislarini samarali foydalanishmoqda.

Mobil qurolmalardan ta'limda foydalanish imkoniyatlari ham kengayib bormoqda. Zamon talabi o'laroq, kitob shaklidagi katta hajimli lug'atlarni doim olib yurishning noqulayligini inobatga olgan holda ularning elektron shakli ancha qulay va samaralidir.

Matluba DONIYOROVA,
Jizzax politexnika institutining "To'qimachilik mahsulotlari texnologiyasi" kafedrasida dotsenti, texnika fanlari nomzodi.

SHAXMAT FESTIVALI

Yaqinda viloyat maktabgacha va maktab ta'limi boshqarmasi tomonidan maktabgacha ta'lim tashkilotlari tarbiyalanuvchilari o'rtasida "Shaxmat festivali" musobaqasining shahar bosqichi bo'lib o'tdi. Unda hududdagi 28 ta DMTTning 5-7 yoshli tarbiyalanuvchilari ishtirok etdi.

Jajji havaskorlar bellashuvi

O'g'il bolalar o'rtasida chempionlikni 18-sonli DMTT tarbiyalanuvchisi Akobir Abdulahadov qo'lga kiritdi. 2-o'rinni 8-sonli DMTT tarbiyalanuvchisi Mironshoh Xasanovga nasib etgan bo'lsa, 3-pog'onadan 32-sonli DMTT tarbiyalanuvchisi Mirolim Xolbekov joy oldi.

Bo'lajak grossmeysterlarni tarbiyalab berishni maqsad qilgan ushbu "Shaxmat festivali"ning viloyat bosqichi 24-aprelda bo'lib o'tishi rejalashtirilgan.

O'g'limdagi shaxmatga bo'lgan qiziqish oilaviy muhit samarasi o'laroq shakllangan, — deydi jajji chempion Akobir Abdulahadovning onasi Marhobo G'aniyeva. — Bog'chadagi mashg'ulotlari tugashi bilan o'z mahalladagi shaxmat to'garagiga shoshiladi. Bola bo'lsa-da bir qator mahalliy musobaqalarda faol ishtirok etyapti. Bo'sh vaqtini bekor o'tkazmasin deb uni shaxmatga berganmiz. Hali maktab yoshiga yetmay turib,



Yusuf SAYDALIYEV.
("Jizzax haqiqati")

HARBIY-VATANPARVARLIK TADBIRLARI

Yoshlarga g'oya berib

Yoshlarda vatanparvarlik tuyg'usini kuchaytirish, harbiylik kasbiga bo'lgan qiziqishini shakllantirish maqsadida DXC Chegara qo'shinlariga qarashli harbiy qism va O'zbekiston Yoshlar ittifoqi Jizzax viloyat kengashi hamkorligida 2025-yil chaqiruvdagi muddatli harbiy xizmatchilar bilan harbiy qismda "Vatan taraqqiyotiga mening hissam", "Mardlar qo'riqlaydi Vatanni" mavzularida motivatsion uchrashuv o'tkazildi.

Tadbirda so'zga chiqqanlar Vatan muqaddasligi, uni ko'z qorachig'idek asrab-avaylash, O'zbekistonga sadoqat bilan xizmat qilish barchamiz uchun sharafli burch ekanligi haqida so'z yuritdilar. Buyuk bobokalonlarimiz Jaloiddin Manguberdi va sohibqiron Amir Temurning qahramonliklari to'g'risida so'zlashdi, 2000-yilda Surxondaryo viloyatining Sariosiyo va Uzun tumanlarida davlatimiz sarhadlarini buzib kirgan terrorchilarga qarshi kurashib mardonovar halok bo'lgan harbiylar yodga olindi. Uchrashuv davomida muddatli harbiy xizmatchilarni qiziqtirgan savollarga mutaxassislar tomonidan javoblar berildi.

Sohibqiron Amir Temur tavalludining 689 yilligi munosabati bilan viloyatimizda qator tadbirlar tashkil etilayotir.

"Temur tuzuklari" bilimdoni

O'zbekiston Yoshlar ittifoqi viloyat kengashi, Sharof Rashidov nomidagi viloyat axborot-kutubxonasi markazi, O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi viloyat bo'limi hamkorligida viloyatdagi harbiy qism va muassasalardagi yosh harbiy xizmatchilar hamda xodimlar o'rtasida "Temur tuzuklari" bilimdoni tanlovi viloyat bosqichi o'tkazildi.

Tanlovda O'zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligiga qarashli harbiy qismlar, viloyat Favqulodda vaziyatlar, Milliy gardiyasi, Bojxona boshqarmalari, DXC Chegara qo'shinlaridan va Mudofaa ishlari huzuridagi chaqiriluvchilarni harbiy-texnik mutaxassisliklari bo'yicha tayyorlash markazi kursantlaridan 14 nafar ishtirokchi nizomga ko'ra savol-javob va "My test" dasturi orqali test



sinovlari yechish bo'yicha o'zaro bellashdilar. Ishtirokchilar o'zlarining bilim darajasi, iqtidorlarini namoyish etishdi. Natijalarga ko'ra, 1-o'rinni DXC Chegara qo'shinlariga qarashli harbiy qism harbiy xizmatchisi Bahrom Latifboyev, 2-o'rinni DXC Chegara qo'shinlariga qarashli harbiy qism harbiy xizmatchisi Jahongir Abdullayev, 3-o'rinni viloyat Bojxona boshqarmasi xodimi Shahzod Abdumanonovlar qo'lga kiritdi. G'oliblarga O'zbekiston Yoshlar ittifoqi viloyat kengashining diplom va esdalik sovg'alari topshirildi.

Rahmonjon ACHILOV,
O'zbekiston Yoshlar ittifoqi viloyat kengashi bo'lim boshlig'i, podpolkovnik.

Bildiruv va e'lonlar

"Yoshlar — kelajagimiz" jamg'armasi Kuzatuv Kengashining 2025-yil 28-yanvardagi 01-03/123-sonli qaroriga asosan "Yoshlar — kelajagimiz" jamg'armasining Do'stlik tuman filiali Jizzax viloyati filialiga qo'shish yo'li bilan qayta tashkil etilayotgan hamda tuman filialiga tegishli bo'lgan Jizzax viloyati adliya boshqarmasi tomonidan 2018-yil 26-iyulda berilgan 186-sonli guvohnomasi va nizomi yo'qolganligi sababli bekor qilindi.

Da'vo, ariza va e'tirozlar e'lon chiqqan kundan boshlab ikki oy muddat ichida Jizzax shahri, Sharof Rashidov ko'chasi, 64-uy (Kibersport arena) majmuasida qabul qilinadi.

Bosh muharrir Bahodir NAZAROV

Jizzax viloyati matbuot va axborot boshqarmasidan 2018-yil 7-dekabrda 06-038 raqami bilan ro'yxatdan o'tgan.

ISSN 2010 7730. Qog'oz bichimi A-2, hajmi 2 bosma taboq. Guvohnoma № 14-2588

QABULXONA — (72) 226-40-65.

XATLAR — (72) 226-18-10,
REKLAMA va E'LONLAR — (72) 226-18-10.

Navbatchi muharrir: M.SAPAROVA.
Gazeta operatorlari: A.NORBOYEV, D.SADIROV.
Musahhih: B.HAMIDOVA.

Tahririyat besh qog'oz hajmgacha bo'lgan qo'lyozmalarni qabul qiladi. Qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi. Reklama va e'lonlar matni uchun tahririyat javobgar emas.

— tijorat materiallari

Gazeta «ERUDIT» MCHJ bosmaxonasida chop etiladi. Korxonalar manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.

Shartnoma bo'yicha topshirish vaqti — 17.00. Topshirildi — 16.30



Buyurtma № 218
Adadi: 9649
nuxsa.
Sotuvda kelishilgan narxda.

https://t.me/jizzaxnews_press